

ХИТОЙДА ШЕВАЛАРИНИНГ ТАРИХИЙ МАДАНИЙ РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

(Гуанхуа мисолида)

Тўкимбетова Боғдагул
Хитойшунослик факультети Хитой тили ва адабиёти кафедраси
иккинчи курс магистранти

Мақоланинг қисқача аннотацияси: Хитойда шевларнинг ривожланиш тенденциялари уларнинг тарихий мезонлари, қадимги Хитойда яшаган кўчманчи қабилалар ва уларнинг яшаш таризи, жой номлари билан боғлиқ топонимларни ўрганади.

Қадимдан хитой шевалари ўзининг узок тарихий илдизларига эга эканлиги манбалардан яхши маълум. Масалан, “Гуаньхуа гуруҳи диалектларининг тарихий-маданий минтақаси Хитой тарихида узок давом этган этник ва демографик жараёнлар таъсирида юзага келган”¹лиги ҳақидаги қарашлар эътироф этилади.

Бугунги хитойликлар ота-боболарининг дастлабки, биринчи яшаган минтақа ҳудудлари 中原(**Zhong yuan**) (“Марказий текислик”) ва 关 中”**Guanzhong**” (“Гуанчжун”)²ҳисобланади. Қадим ва ўрта асрлардаги демографик жараёнларнинг асосий хусусияти хитойлик аҳолининг мазкур минтақа ташқарисига доимий миграцияси (кўчиши) ҳисобланади. Бу миграцияларда **учта йўналиш** (шимолий, ғарбий, жанубий) аниқ фарқланади:

Хитойлик аҳолининг шимолга илк миграцияси шимолий чегараларни мудофаа қилиш эҳтиёжи билан боғлиқ. Хитойнинг марказлашган Цинь сулоласига бирлашган эрамиздан аввалги 221-йилга қадар, Марказий Осиёдаги энг кучли қабила бу 匈奴сюнну³ бўлган. Уларнинг ҳужумидан ҳимоя қилиш мақсадида, 秦始皇帝(Qinshi Huangdi) (“Чинши Хуанди”) шимолий чегара бўйлаб Буюк деворнинг асосий қурилишларини барпо этди. Хань императори 汉武帝(Hanwudi) (“У Ди”) (эр. авв. 140 - 87) ҳукмронлиги йилларида сюннулардан тортиб олинган ерларда, Хуанхэ дарёсининг шимолий оқимлари бўйлаб ҳарбий округлар таъсис қилинган.

¹ Астрахан. Е.Б. Завязьлова О.И. Диалекты и национальный язык в Китае. Изд-во «наука» .М.: 1985. 365.с.

²指陕西渭河流域一带，为陕西的农、工业发达，人口集中之地区。 指陕西渭河流域一带。

地名。位于今陕西省。东至函谷关，南至武关，细致散关，北至萧关，位于四关之中，故称为[关中] 古地域名。所指范围不一。或泛指函谷关以西战国末秦故地（有时包括秦岭以南的汉中、巴蜀，有时兼 有陕北、陇西）；或指居於众关之中的地域。今指陕西渭河流域一带。

³ Туркларнинг ота боболари.

Эрамизнинг II асрида сунну қабилалари заифлашгандан кейин Хитойнинг шимолий ерларидаги этник ва демографик ҳолат жиддий равишда ўзгарди. Жанубий суннулар Хитойга кўчиб ўтганлар ва чегара округлари ҳамда шимолий Шэньсининг Бэйди округи ерларида, шунингдек, Шаньси провинциясининг Тайюань округида яшаганлар.

Ғарбий йўналишдаги миграциянинг ҳолати шимолдан фақат баъзи деталлар билан фарқланар эди. Чегаранинг ғарбий қисмидаги хитойларнинг кўшнилари сино-тибет оиласи тилларида сўзлашадиган **цянь** (тибетликларинг ота-бобо – Муал.) лар эди. Улар Хуанхэ юқори оқимидаги водий ва Кукунор кўли ўртасидаги тоғли ерларда яшар эдилар. Бу ердаги чегара ҳудуди ҳозирги Ганьсу провинциясининг шарқий қисмини ўз ичига олган Лунси водийси эди. Табиий географик нуқтаи назардан, у Вайхэ ва Гаохэ дарёларининг юқори оқими хавзасидир. Бу водий орқали Чанъандан то Якин Шарққача – *Инак йўли* деб номланган трансконтинентал (яъни континентлар орасидаги қатновга оид) алоқа йўли ўтган.

III аср бошида Хитойда ўтроқлашган ва суннулар томонидан қўллаб-қувватланган *сяньби*, *ди*, *цянь*, *ухуань* қабилалари Марказий текислик ва Гуаньчжунга кўчиб ўтишди. Марказий Осиё тиллари билан алоқалар Шимолий Хитойнинг катта қисмига тарқала борди. Тарихий манбаларда бу истило олиб келган лингвистик жараёнлар ҳақида қайд этилган.

“*Олти сулола*” даври тарихий манбаларига кўра, III-IV асрлар фаол этник ассимиляция жараёнлари билан боғлиқ икки тиллилик кенг тарқалганлиги билан таснифланади. Уларга IV аср охирида Тоба Хун (*Вень Ди императори Шимолий Вей сулоласи 466-470 йиллар*) томонидан ўтказилган сяньбиларнинг ассимиляция сиёсати имконият яратди. Саройда сяньби тилидан фойдаланишни чеклаш амалда ассимиляциялашув жараёнларни тезлаштирган омиллардан эди.

Тан сулоласи даври (618-907 йиллар) га келиб Хитойнинг ташқи дунё билан алоқаси мустахкамланди. Хитой Инак йўли бўйидаги воҳаларга Гуаньчжундан кўчган ва диалектларда сўзлашадиган янги хитой аҳолиси келиб жойлашди⁴. IX-X асрларда Янцзы қуйи оқимининг жанубий қисмини, Сянцзянь ва Ганьцзянь дарё бўйи водийларига шимолдан хитой аҳолисини жойлаштириш ҳамда ўзлаштириш амалда якунига етди.

Тан сулоласининг барбод бўлиши оқибатида мамлакат 50 йилдан ортиқроқ (907-960 йиллар) ўзаро фуқаролар уруши даврига қадам қўйди. Мамлакат 5 та сулолага бўлиниб кетди. Мамлакат қайта янги оммавий миграцияларга дучор этилди.

1038 йили Хитойнинг ғарбий чегараларида ҳозирги Нинся, Ганьсу провинциялари ва ҳозирги Шэньси провинциясининг шимолий ерларини

⁴ Лунси водийсида *цянь*ларнинг ассимиляцияси якунига етди. Бу даврнинг асосан тил билан боғлиқ хусусиятлари X аср хитой тили тибет транскрипцияларида ифодаланган Шимоли-ғарбий *хитой диалекти* шаклланди. Бу даврда хитой аҳолисининг ҳозирги Сычуань ҳудудига миграцияси ва *Шу* ҳамда *Ба* давлатлари таркибига кирувчи халқларнинг ассимиляцияси давом этди. Ҳозирги кундаги Сычуань провинцияси диалектларининг шаклланиши ўша пайтларда бошланган эди.

Ўзида бирлаштирган тангутларнинг Си Ся давлати⁵ ташкил этилди. Сино-тибет тилларида сўзлашадиган тангутлар дастлаб кўчманчи халқлар бўлиб, XII асрда ўтроқ ҳаётга ўтишган. Уларнинг ўтроқ ҳаётга ўтиши билан хитой тили ва маданиятининг кенг тарқалишига олиб келди.

1125 йили тунгус-маньчжур гуруҳи тилида сўзлашувчи халқ – чжурчженлар зарбаси остида Ляо сулоласи қулади. Ерлари янги барпо этилган Цзинь давлати тасарруфига ўтди.

1194 йили Хуанхэдаги дамба (кўтарма) бузилиб, дарё ўзанини ўзгартириб, Шаньдун ярим ороллари жанубидаги Сарик Денгизга қуйила бошлади. Натижада мигрантлар оқими жанубга томон янада кучайди. XIII аср бошида Шимолий Хитой аҳолиси ҳисобланган хитойлар ва чжурчженларнинг миқдори тахминий ҳисоб китобларга кўра 40 млн. кишини ташкил қилган. Хитойнинг шимолий ҳудудлари Цзинь давлатининг тасарруфига ўтилгач у ерларга чжурчженлар⁶ни жойлаштириш ҳаракатлари бошланди.

XII асрнинг 70-йилларида амалдор шахсларга чжурчжен тилида сўзлашиш мажбурий ҳисобланган, хитой тилини тарқалишини чеклайдиган ҳукумат қонунлари қабул қилинди. Чжурчженлар Хитойга кўчиб келгандан сўнг 40 йил ўтиб бундай қонунларнинг пайдо бўлиши, Хитойда туғилган авлоднинг икки тилли эканлигини ва улар хитойча гаплашишни афзал кўришини англатар эди.

XIII аср бошида Чингизхон бошчилигидаги мўғул империяси Хитой ҳудудларини босиб олишга киришди. 1214 йилда мўғуллардан чекинган чжурчженлар мажбуран пойтахтни Марказий текисликдаги Кайфэнга кўчиради. Хитойда мўғуллар ҳукмронлиги чжурчженларнинг маҳаллий халқ билан ассимиляциялашув жараёнларини тезлаштирди.

Мўғуллар ўз империяси фуқароларини этноҳудудий гуруҳларга бўлганда, хитой тилини биладиган чжурчженларни–хитойликларга ва хитой тилини билмайдиганларни–мўғулларга тегишли деб кўрсатишган. Шимолий Хитойда ўтроқ ҳаёт кечирган чжурчженлар ўша пайтдан бошлаб хитойлик деган этник статус(ҳуқуқ) ни олишди. Бу даврда Хитой аҳолиси 2 та гуруҳга ажратилган: 汉人” ханьжен” (“хитойликлар”) ва турли фуқаролик ҳуқуқларини олган 南人”наньжень” (“жанубликлар”).

Хитой тарихида нисбатан қисқа муддат ҳукмронлик қилган мўғул сулоласи даври Хитой лингвистик ҳолатининг ривожланишига муҳим таъсир

⁵ 1227 йили Чингизхон томонидан Си Ся давлатига барҳам берилди. Аммо, тангутларнинг этник ва лингвистик ассимиляцияси кечроқ якунига етди.

⁶ Манбаларда чжурчженларнинг ҳозиргача Хитой минтақаларининг айнан қайси ҳудудларида яшаганлиги ҳақидаги аниқ маълумотлар йўқ. Аммо, Хэбэй ва Шаньдун провинцияси ҳудудларида чжурчженларнинг жамоаси мавжуд бўлганлиги тўғрисидаги маълумотлар бор. Чжурчжен ва хитой этносларининг узоқ даврлар қўшни яшаши тил маданий алоқаларининг фаоллашиб икки тиллиликка олиб келди. Бундай вазиятда чжурчженлар томонидан ҳам этник, ҳам она тилини сақлаб қолишдаги барча ҳаракатлар зоя кетди.

кўрсатди. Юань сулоласи⁷ даврида кўпгина драматик ва насрий асарлар ёзилган *байхуа* адабий тилининг ривожланиши давом этди (манбаларда эътироф этилишича, бу давр этник ва лингвистик жараёнлари етарли даражада ўрганилмаган–Муал.).

Мўғул сулоласи давридаёқ Хитойнинг жануби-ғарбида Гуаньси провинцияси ташкил қилинди. XIII аср бошида бу географик ҳудудда Юньнань ва Гуйчжоу провинциялари тузилди.

Минь сулоласи ҳукмронлигининг бошида (1368-1644) мўғулларга қарши кўп йиллик урушларда харобазорга айлантирилган, ҳозирги Хэбэй, Шаньдун, Хэнань провинциялари ерларига Шаньси қўшни провинциясидан, шунингдек, Жанубий Хитойдан деҳқонлар кўчириб келтирилган. Монголия чегараларидаги ерларнинг ҳавфсизлигини эътиборга олган ҳолда, яшовчилари Хитойнинг ички минтақаларидан келиб чиққан ҳарбий яшаш жойлари ташкил қилинди.

Шу тариқа Гуаньхуа гуруҳи диалектларининг жануби-ғарбий ареали (минтақаси) юзага келди. XIII асрда Хитой аҳолиси Синьцзянда пайдо бўлди. XIX асрнинг охириги чорагида (кейинчалик у ерда ҳозирги шимоли-шарқий диалектлар шакллана бошлаган) хитой кўчманчиларига Манчжурияга кўчиб ўтиш учун рухсат берилди. Гуаньхуа гуруҳи диалектларининг бугунги тарихий маданий минтақаси шундай шаклланган.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 白话词汇研究中华书局出版 1981 年。445页。
2. 李如龙。汉语方言的比较研究/商务印书馆 北京2003年。317页。
3. Джураев А.Б. Теоретические основы ареального исследования узбекоязычного массива. – Тошкент: Фан, 1991. -215 б.
4. Шазаманов Ш.И. Хитой социолингвистикаси ва унинг айрим вазифаларига доир // Шарқшунослик №1. 2012. -Б. 119-124.
5. Шазаманов Ш.И. Очилов О. Хитойча кеңзя шевасининг айрим масалалари // Шарқшунослик -№1. -2011. -Б. 19-24.
6. Мартыненко Н.П. «Вэньцзы» и истоки китайской культуры// Вопросы философии -№ 9. -2004. -С.106-116.
7. Астрахан Е.Б. Завъялова О.И. Софронов М.В. Диалекты и национальный язык в Китае. -М.: Наука, 1985. -С.7-19.
8. Shazamanov Sh.I. Bekmuratov I. N. Xitoyda til vaziyati va siyosati (sotsiolingvistik tahlil).- ToshDSHI, 2010.-142 b.
9. Akimov T. Litsey o'quvchilari uchun xitoy tilida xrestomatiya – Toshkent.2005. -B.7-8.

⁷ Юань сулоласи Шимолий Хитой ҳудудида узоқ вақт ҳукмронлик қилган чет эл сулолаларига барҳам берди. Мамлакатнинг катта қисми деярли икки ярим аср ва 16 та шимолий округлар эса тўрт аср давомида чет эл ҳукмронлиги остида бўлган. Шимол ва жанубнинг тарихий тақдиридаги фарқлар мамлакатнинг бу қисмидаги этник ва лингвистик хусусиятларнинг шаклланишига олиб келди.

10. Usmanova Sh, Bekmuxamedova N, Iskandarova G. Sotsiolingvistika. Toshkent "Universitet"-2014. -B.83.
11. О реформы китайской письменности (Сборник материалов)-
Издательство литературы на иностранных языках.-Пекин, 1958. -75с.